



2016 йил 08.02 да
«NAVOIYDONMAHSULOTLARI»
АКциядорлари умумий йиғилиши
тўғрисида «ТАСДИҚЛАНГАН»

«NAVOIYDONMAHSULOTLARI» Акциядорлик жамияти
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ ҲАҚИДАГИ НИЗОМ

МУНДАРИЖА

I. Умумий қисм	Ошибка! Закладка не определена.
II. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатлари	3
III. Акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқи. Акциядорлар ва уларнинг мухтор вакиллари кайддан утказиш	6
IV. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини утказишга тайергарлик	8
V. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини утказишга тайергарлик	11
VI. Акциядорлар умумий йиғилиши кворуми	13
VII. Умумий йиғилишнинг ишчи органлари	13
VIII. Акциядорлар умумий йиғилишини олиб бориш тартиби	15
IX. Акциядорлар умумий йиғилишининг баенномаси	16
X. Акциядорлар умумий йиғилиши қарорларининг бажарилиши	17
№ 1 илова	18
№ 2 илова	Ошибка! Закладка не определена.
№ 3 илова	Ошибка! Закладка не определена.
№ 4 илова	Ошибка! Закладка не определена.
№ 5 илова	Ошибка! Закладка не определена.

I. УМУМИЙ БУЛИМ

1. Ушбу Низом «NAVOIYDONMAHSULOTLARI» акциядорлик жамияти акциядорларнинг умумий йиғилиши мақомини, унинг иши, утказилиши тартиби ва у томонидан қарорлар қабул қилинишини белгилаб беради.

2. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, бошқа меърият-норматив ҳужжатлар, Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқариш тизимини такомиллаштириш комиссиясининг 2015 йил 31.12.даги №9-сонли баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқариш кодекси ва «NAVOIYDONMAHSULOTLARI» акциядорлик жамиятининг (бундан кейин матнда - жамият) Низоми билан тасдиқланган.

3. Жамият ҳар йили Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга мажбур (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши). Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молиявий йил тугагандан сунги олти ойдан кечиктирмасдан ўтказилиши керак. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши одатда ҳар йилнинг 20-30 июнь кунлари ўтказилади.

4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида жамиятнинг қузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясини сайлаш, ижро органи раҳбари муддатини узайтириш, янгидан шартнома тузиш еки шартномани бекор қилиш каби масалалар ҳал қилиниб, шунингдек жамиятнинг йиллик ҳисоботи, жамиятни ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш соҳасида ижро органи ва тафтиш комиссияси томонидан қурилган чораларнинг йиллик ҳисоботи ва ушбу Низомни 7 бандининг ун биринчи ва ун иккинчи хат бошига мувофиқ ҳужжатлар куриб чиқилади.

5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишларидан ташқари ўтказиладиган йиғилишлар навбатдан ташқари ҳисобланади.

6. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишларини ўтказиш тартиби ва санаси, уларни ўтказиш бўйича акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишларини ўтказишга тайергарлик куришда акциядорларга тақдим этиладиган ҳужжатлар (маълумотлар) руйхати жамиятнинг қузатув кенгаши томонидан белгиланади.

II. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ ВАКОЛАТЛАРИ

7. Акциядорлар умумий йиғилиши ваколатларига қуйидагилар ҳиради: жамият Низомига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш еки жамиятнинг Низомини янги таҳрирда қабул қилиш;

жамиятни яшидан тузиш;

жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) белгилаш ва оралик ва сунги тугатиш балансини тасдиқлаш;

қузатув комиссиясинини сон жиҳатидан таркибини аниқлаш, унинг аъзоларини сайлаш ва муддатидан олдин уларнинг ваколатларини тугатиш;

жамиятнинг устав жамғармасини (устав капиталини) қамайтириш;

ўз акцияларини сотиб олиш;

жамиятнинг ташкилий тузулмасини тасдиқлаш, жамиятнинг ижро органи раҳбарини сайлаш (тайинлаш);

жамиятни тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси ҳақидаги Низомни тасдиқлаш;

йиллик ҳисобот ва жамият фаолияти мақсадларининг асосий нуналишларидан келиб чиққан ҳолда ўрта муддатли ва ўзоқ муддатли (5 йилдан ортиқ) ривожланиш стратегиясини аниқ муддатларни белгилаш йўли билан тасдиқлаш;

жамиятнинг фойда ва зарарларини тақсимлаш;

жамиятнинг қузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясининг ваколатларига кирувчи, шу жумладан жамиятни бошқаришга оид қонунчилик томонидан белгиланган талабларга риоя этиш масалалари бўйича ҳисоботларини эшитиш;

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Қонунининг 35 моддасига асосан имтиёзли ҳуқуқни таъбиқ этилмаслиги ҳақида қарор қабул қилиш;

акциядорлар умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш;

акцияларни булиш ва бирлаштириш;

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва Акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Қонунининг 8 моддасига мувофиқ ушбу битимни тузиш санасида жамият томонидан предмети мулк, баланс қиммати еки харид қилиш қиймати жамиятнинг соф активлари ҳажмининг эллик фоизидан юқорини ташкил этадиган катта битимни тузиш ҳақидаги қарорни қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Қонунининг 9 моддасига мувофиқ жамиятнинг афилланган шахси билан битим тузиш ҳақидаги қарорни қабул қилиш;

Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига амал қилиш мажбуриятини олиш ва хабар бериш шакли ҳақида қарор қабул қилиш;

ички назорат, дивиденд сиесати, манфаатлар тукнашуви ҳақида Низомларни тасдиқлаш;

бизнес-жараёнлар ва лойиҳаларнинг жамиятни ривожлантириш мақсадларига мослиги ҳақида мустақил профессионал ташиқлолар – маслаҳатчиларни жалб этиш ҳолда ҳар йиллик ташиқлоларни ўтказиш ҳақида қарор қабул қилиш ва ташиқ натижаларини эшитиш;

жамиятнинг кундалик ҳужалик фаолиятига тегишли битимларни аниқлаш;

кузатув кенгаши томонидан хайрия (ҳомийлик) еки беминнат ердани курсатиш (олиш) тартибни ҳақида қарор қабул қилиш;

электрон манзил орқали (электрон рақамли имзо тасдиғи билан), шунингдек уз ваколатларини вакилга топшириш ҳамда видео-конференцалоқа режимидаги умумий йиғилиш билан сайлов утказиш тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

ҳисоб комиссиясига амални ердан курсатиш еки унинг функцияларини бажариш учун (масалан, инвестиция соҳаси буйича маслаҳатчи ва қимматли қозғалар бозорининг бошқа иштирокчилари) мустақил экспертларни жалб этиш тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

жамият ҳисобидан миноритар акциядорлар қумитаси харажатларини қоплаш (миноритар акциядорлар қумитаси ташкил этилган ҳолда) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

жамиятнинг умумий йиғилишида ҳисобот берувчи жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари чиқишларининг (ҳисоботларининг) шакли ва мазмунига нисбатан талабларни белгилаш, умумий йиғилиш давомийлигини аниқлаш;

қонунийлик ва жамият низомига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

8. Ушбу низоми 7 бандининг иккинчи- тўртинчи, олтинчи, ун учинчи хат босидаги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Қонунининг 84 моддасининг иккинчи ва учинчи қисми, шунингдек 88 моддасининг бешинчи моддасида келтирилган масалалар буйича қарорлар акциядорлар овозларининг тўртдан уч қисми – акциядорлар умумий йиғилишида қатнашаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари овоз берган ҳолда қабул қилинади.

9. Давлат олдидан солиқ еки бошқа турдаги қарзи мавжуд бўлган ҳолда, жамиятнинг устав жамғармасида давлат улушини шакллантириш еки кулантириш борасидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилишида акциядорларнинг розилиғи мавжуд бўлган ҳолда (давлатдан ташқари) оддий қупчилик овозлари билан, жамиятнинг жойлаштирилган учдан икки қисми овоз берувчи акциялари эгаларининг овозлари билан қабул қилинади.

10. Қолган масалалар буйича қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида акциядорларнинг оддий қупчилик овозлари билан – йиғилишда қатнашаётган жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгаларининг овозлари билан қабул қилинади.

11. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига кирувчи масалалар жамиятнинг кузатув кенгаши ва ижро органига утказилиши мумкин эмас.

III. АКЦИЯДОРЛАР УМУМЙ ЙИГИЛИШИДА ҚАТНАШИШ ҲУҚУҚИ, АКЦИЯДОРЛАР ВА УЛАРНИНГ МУХТОР ВАКИЛЛАРИНИ ҚАЙДАН УТКАЗИШ.

12. Акциядорларнинг умумий йиғилишини утказиш санасидан уч иш қуни олдин шакллантирилган руйхатга киритилган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

13. Акциядорнинг талабига асосан, жамият акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш учун шакллантирилган руйхатга уни киритилганлиғи ҳақида маълумот беришга мажбур.

14. Жамият акциядорларининг шакллантирилган руйхатига фақат қонунийлик томонидан белгиланган тартибга мувофиқ уни шакллантириш санасига қадар ҳуқуқлари бузилган акциядорларнинг ҳуқуқини тиклаш ёки руйхатни шакллантириш чоғида йул қуйилган қамчиликларни тузатиш учун узгартиришлар киритилиши мумкин.

15. Акциядорларнинг умумий йиғилишида фақат жамият акциядорлари руйхатига киритилган акциядорлар, уларнинг мухтор вакиллари, санок комиссияси, ички аудит хизмати ходимлари, аудит текширишни амалга оширган ташкилотнинг вакили, кузатув кенгаши аъзолари, ижро органи, тағтиш комиссияси аъзолари, шунингдек миноритар акциядорлар (агар бўлса) вакили ва бошқалар акциядорларнинг умумий йиғилиши раиси тақлифи билан қатнашиши мумкин.

16. Ижро органи аъзолари, кузатув кенгаши ва тағтиш комиссияси вакиллари, шунингдек аудиторлик ташкилоти вакиллари акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида уз органларининг ҳисоботлари билан шахсан қатнашишлари шарт.

17. Кузатув кенгаши, тағтиш комиссияси аъзолиғига ва жамиятнинг бошқарув раиси лавозимига номзодлар уз номзодликларини қуриб чиқилаётган ҳолда акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашишлари мумкин.

18. Умумий йиғилишда қатнашиш учун акциядорлар ва уларнинг мухтор вакиллари йиғилиш ҳақидаги хабарномада курсатилган вақт ва жой буйича қайдан утишлари зарур.

19. Акциядорларнинг умумий йиғилишида акциядорнинг вакили сзма шаклда расмийлаштирилган ишончнома асосида амал қилади. Овоз бериш учун берилган ишончномада вакил ва унга ишонч билдирган акциядор ҳақида маълумотлар бўлиши керак (ном еки номланиши, яшаш еки жойланган манзили, паспорт маълумотлари). Жисмоний шахс номидан овоз беришга онд берилган ишончнома ногариш тарзда тасдиқланган бўлиши керак.

20. Юридик шахс номидан овоз бериш учун берилган ишончнома унинг раҳбари имзоси ва бу юридик шахснинг мухри (агар мухри бўлса) билан тасдиқланади.

21. Акциядор ҳоҳлаган вақтда акциядорларнинг умумий йиғилишида узининг вакилини алмаштириши еки шахсан йиғилишида қатнашиши ҳуқуқига эга.

22. Умумий йиғилишда қатнашиш учун келган акциядорлар ва жисмоний шахсларнинг қайддан ўтказилиши акциядор томонидан тақдим этилган паспорт еки уни шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат асосида, вакилиники бўлса, шунингдек нотариал тарзда тасдиқланган ишончнома асосида амалга оширилади.

23. Юридик шахсининг раҳбари — жамият акциядори узининг ваколатларини умумий йиғилишда лавозими буйича уни лавозимга тасдиқлаш ҳақидаги ҳуқуқий ҳужжат ва унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат асосида амалга оширилади.

24. Акциядор — юридик шахс вакили акциядорлар умумий йиғилишида унинг номига ташкилот раҳбари еки шу ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланган (агар муҳри бўлса) таъсис ҳужжатларида ваколатга эга бўлган шахсининг имтоси билан тасдиқланган ишончнома асосида қатнашиши мумкин.

25. Агар жамиятнинг акцияси бир неча шахсининг ҳиссадорлик мулки бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқи уларнинг келишувига биноан ҳиссадорлик мулк қатнашчиларининг бири еки уларнинг умумий вакили томонидан амалга оширилиши мумкин. Курсатилган ҳар бир шахсининг ваколатлари тегишли тартибда расмийлаштирилган бўлиши керак.

26. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган акциядорлар руйхатига мос ҳолда ушбу Низомнинг 1-сонли иловасида келтирилган шаклга мувофиқ қайддан ўтиш руйхати шакллантирилади.

27. Қайддан ўтиш руйхати брошюра шаклига келтирилган, рақамланган, тикилган ва жамият муҳри билан тасдиқланган бўлиши зарур.

28. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишда акциядорлар (уларнинг вакиллари) қайддан ўтиш руйхатига имзо қўядилар ва жамият акциядорлари руйхати маълумотлари белгилаб берган шаклда ҳар бир акциядорнинг овоз берувчи акциялари сонидан келиб чиққан ҳолда бюллетенлар тўпламини (2 илова) оладилар.

29. Агар йиғилиш қатнашчиси бир еки бир неча акциядорларнинг манфаатини ҳимоя қилиш учун ишончномани тақдим этса, унга овоз бериш учун ушбу акциядорнинг (акциядорларнинг) бюллетенлари берилди, қайддан ўтиш руйхатида бўлса, вакилли акциядор фамилиясининг тузисида “№ _____ даги _____ та (сони) овоз берувчи акциялар буйича” мазмундаги белги қўйилди ва вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми курсатилди.

IV. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ИИЛЛИК УМУМЙ ЙИГИЛИШИГА ТАЙЕРГАРЛИК

30. Ушбу Низомнинг 3 бандида курсатилган муддатларда акциядорларнинг умумий йиғилишини сифатли тайерлаш ва ўтказиш учун ижро органи корпоратив маслаҳатчи билан биргаликда (агар бўлса) қуйидагиларни амалга оширади:

жамиятнинг кузатув кенгаши қарорига асосан аудиторлик текширишни ўтказиш учун танланган аудиторлик ташкилотлар билан шартнома тузади, жумладан Молиявий ҳисобот юритиш буйича халқаро стандартларига мос ҳолда молиявий ҳисобот тузиш, Аудитнинг халқаро стандартларига мос ташки аудитни ўтказиш, бу ерда шартномада текширишнинг конкрет муддатлари курсатилган бўлиши керак;

Аудитнинг халқаро стандартларига мос унинг ташки аудитни ўтказгандан сунг, Молиявий ҳисобот юритиш буйича халқаро стандартларига мос ҳолда тузилган ҳар йиллик молиявий ҳисоботни иллик умумий йиғилиш санасидан икки ҳафта олдиндан кечиктирмаган ҳолда нашр этилишини таъминлайди.

Ижро органи яна ишлаб чиқади (тайерлайди):

ҳар бир соҳа буйича асоснома ҳамда акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қуриб чиқилиши зарур бўлган бошқа ҳужжатларни илова қилган ҳолда акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш регламенти, соф фойдали (зарарларни қоплаш) тақсимлаш лойиҳалари, шунингдек ҳисоб комиссиясини тузиш буйича таклифлар. Акциядорлар томонидан акциядорлар йиллик умумий йиғилиши кун тартибига киритиш буйича таклифлари, шу жумладан жамиятнинг кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси (ревизорлар) ҳақидаги маълумотларни умумлаштириш ва бошқ.

Йиллик ҳисобот ва жамият фаолияти мақсадларининг асосий йўналишларидан келиб чиққан ҳолда урта муддатли ва узоқ муддатли ривожланиш стратегиясини аниқ муддатларни белгилаш йули билан тасдиқлаш;

ижро органининг бизнес – режа параметрларини бажариш ва жамият ривожланиш стратегиясини амалга татбиқ этишга онд қўрилган чоралар ҳақида ҳисобот бериш, аудиторлик текшириш ўтказиш учун аудиторлик ташкилотларнинг танловини ўтказиш ва бошқ.

31. Ижро органи ушбу Низомнинг 29 банди иккинчи қисмида келтирилган материалларни ишлаб чиққандан (тайерлангандан) сунг қўриб чиқиш учун кузатув кенгаши айтиборига ҳавола қилади.

32. Акциядорлар умумий йиғилишига тайергарликни кузатувчи орган амалга оширади ва қуйидагиларни белгилайди:

Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш санаси, жойи ва вақти.

Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартиби.

Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш ҳамда акциядорларни ҳабардор этиш учун жамият акциядорлари руйхатини тузиш санаси;

Акциядорлар ҳамда давлат вакилига акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида хабар бериш тартиби;

Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишга тайергарликда акциядорларга тақдим этиладиган маълумот (материаллар) рўйхати:

овоз бериш бюллетенининг шакли ва матни.

33. Акциядорлар умумий йиғилишининг санаси уни ўтказиш ҳақидаги қарорни қабул қилингандан сунг ун кундан кам ва уттиз кундан кун булмаслиги керак.

34. Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш ҳақидаги хабар жамиятнинг расмии веб-саҳифасида, оммавий ахборот воситаларида чоп этилади, шунингдек акциядорлар умумий йиғилишининг ўтказилиши санасигача етти кун олдиндан кечиктирмасдан, аммо уттиз кундан эрта булмаган муддатларда электрон почта орқали (3 –иловага мос ҳолда) акциядорларга жунатилади.

35. Жамият мустақил тарзда ски кимматли қоғозлар бозорининг профессионал қатнашчиси орқали ушбу хизматни курсатиш буйича жамият ва кимматли қоғозлар бозорининг профессионал қатнашчиси уртасида тузилган шартномага мувофиқ ҳолда акциядорга эзма хабарнома жунатишига ҳақлидир.

36. Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш ҳақидаги хабар қуйидагиларни қамраб олиши зарур:

жамиятнинг номланиши, жойлашуви (почта манзили) ва жамиятнинг электрон манзили;

Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш санаси, вақти ва жойи;

Жамият акциядорлари рўйхатини тузиш санаси;

Акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига киритилган масалалар;

Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишга тайергарликда акциядорларга тақдим этиладиган маълумот (материаллар) рўйхати.

37. Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишга тайергарликда акциядорларга тақдим этиладиган маълумотларга (материалларга) қуйидагилар қиради: жамиятнинг йиллик ҳисоботи, тафтиш комиссияси ва аудиторлик танкилотининг жамиятнн йиллик молиявий – ҳужалик фаолиятини текшириш натижалари бунича хулосаси, жамиятнинг кузатув кенгаши ва ва тафтиш комиссиясига номзодлар ҳақидаги маълумотлар, жамият низомига киритиладиган узгартиш ва қушимчалар еки жамият низомининг янги таҳрирдаги лойиҳаси, шунингдек жамиятнинг урта муддатли ва узок муддатли ривожланиш стратегияси ва кун тартибдаги бошқа зарурий маълумотлар, шу жумладан йиғилиш кун тартиби борасидаги кузатув кенгашининг маъкеи.

38. Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишга тайергарликда акциядорларга тақдим этиладиган қушимча маълумотларнинг (материалларнинг) рўйхати кимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш

буйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланиши мумкин. Мажмуда жамиятнн овоз берувчи акцияларининг камида бир фоизига эга булган акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молиявий йили тугаганидан сунг туксон кундан ошмаган муддат ичида акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига онд (4 –иловага курсатилган шакли мувофиқ) шу жумладан, фондани тақсимлаш, бошқарув ва назорат органларига номзодлар, белгиланган тартибга мос ҳолда акционерларнинг умумий йиғилишигача уларни алмаштириш буйича таклифлар киритишга ҳақли.

39. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масала эзма шаклда, уни киритишга асослар, масалани киритувчи акциядор (акциядорлар) номи, унга тегишли булган акцияларининг сони ва тури курсатилган ҳолда киритилади.

40. Жамиятнинг кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига номзодларни курсатиш ҳақида, шу жумладан узини курсатиш ҳақида таклифлар тулганда номзоднинг номи, унга тегишли булган акцияларининг сони ва тури (агар номзод жамият акциядори булса), шунингдек номзодни курсатган акциядорлар номлари (номланишлари), уларга тегишли булган акцияларининг сони ва тури курсатилади.

41. Жамиятнинг кузатув кенгаши тулган таклифларни куриб чикиши ва ушбу низомининг 38 бандида курсатилган муддатнинг тугашидан сунг 10 кундан кечиктирмасдан уларни акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига киритиш ски киритишни рад этиш буйича харор қабул қилишига мажбурдир.

42. Акциядор (акциядорлар) томонидан киритилган масала акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига киритилиши керак, шунингдек курсатилган номзодлар ҳам жамиятнинг бошқарув ва назорат органларига сайловлар учун номзодлар руйхатига киритилиши зарур, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

акциядор (акциядорлар) томонидан ушбу низомининг 38 бандида курсатилган муддатта риюя қилинмаган;

акциядор (акциядорлар) ушбу низомининг 38 бандида курсатилган жамиятнинг овоз берувчи акциялари миқдорига эга эмас;

агар жамиятнинг бошқарув ва назорат органларига номзодлар ҳақидаги маълумотлар нотулик булса;

таклифлар қонунчилик ҳужжатлари талабларига жавоб бермаса.

43. Акциядорлар (акциядор) узи томонидан жамиятнинг кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига курсатган номзодлари руйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ҳақидаги хабарнинг эълон қилинишидан бошлаб уч иччи кундан кечиктирмасдан узгартиришлар киритишга ҳақли.

44. Жамият кузатув кенгашининг акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалани киритганлиги еки асосланган рад жавоби, шунингдек жамиятнинг бошқарув ва назорат органларига сайлов учун

номзодлар руйхатига киритилганлик ҳақидаги қарори уни қабул қилингандан сўнг уч ишчи кундан кечиктирмасдан масала еки таклиф киритган акциядорга (акциядорларга) жунатилади.

45. Жамият кузатув кенгашининг акциядорларнинг иллик умумий йиғилиши кун тартибига масалани киритганлиги еки жамиятнинг бошқарув ва назорат органларига сайлов учун номзодлар руйхатига киритилганлик ҳақидаги қарори устидан судга шикоят келтирилиши мумкин.

V. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШНИ УТКАЗИШГА ТАЙЕРГАРЛИК

46. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши жамият кузатув кенгашининг қарори асосида қуйидаги сабабларга асосан утказилади:

унинг шахсий ташаббусига асосан;

тафтиш комиссияси талабига биноан;

Талаб қилиш санаси ҳолатига жамиятни овоз берувчи акцияларнинг 5% дан кам бўлмаган акцияларига эга бўлган акциядор (акциядорлар) талабига биноан (5-сонли иловага мувофиқ).

47. Кузатув кенгашининг ваколатларини муддатидан олдин тухтатилиши масаласи бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини утказиш борасидаги талабга сабаб бўлиши мумкин:

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, жамият низоми, акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорларига риоя қилмаслик;

жамиятни зарар қуриши ва акциядорларнинг мулкий ҳуқуқларига зиён келтириш, жумладан молиявий-хужалик фаоллигининг жиддий емонлашуви, жамиятнинг фойдаси ва рентабеллигини камайиши, иш ва хизматларнинг асоссиз камайиши;

жамиятнинг иктисодий ночорлиги (банкротлиги) белгилари мавжудлиги еки хавфи, давлат бюджети, бюджетдан ташқари жамғармалари олдида, ходимларга иш ҳаққи бериш бўйича тургун қарздорлик мавжудлиги.

48. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини утказиш ҳақидаги талабда кун тартибига киритилмаган масалалар, уларни киритиш сабаблари курсатилган ҳолда уз ифодасини топиши керак. Агар акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини утказилиши кузатув кенгаши аъзолари ваколатини муддатидан илгари тухтатиш масаласи билан боғлиқ бўлса, ушбу йиғилишни утказиш талабига кузатув кенгаши аъзолари ваколатини муддатидан илгари тухтатиш масаласидан ташқари кун тартибига кузатув кенгашининг янги таркибни сайлаш масалалари ҳам киритилиши керак.

49. Жамиятнинг кузатув кенгаши жамиятни овоз берувчи акцияларнинг 5% дан кам бўлмаган акцияларига эга бўлган акциядор (акциядорлар) еки жамиятнинг тафтиш комиссияси талабига биноан чақирилмаган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига узаргини киритишга ҳақли эмас.

50. Агар акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирuvi ҳақидаги талаб акциядор (акциядорлар) томонидан қилинса, унда йиғилиш утказишни талаб қилган акциядор (акциядорлар) номин (номлаштириши) унга тегишли бўлган акцияларнинг сони ва тури курсатилган ҳолда мавжуд бўлиши керак. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирuvi ҳақидаги талаб акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши утказилишини талаб қилган шахс (шахслар) томонидан имтोलанади.

51. Жамиятнинг тафтиш комиссияси еки жамиятни овоз берувчи акцияларнинг 5% дан кам бўлмаган акцияларига эга бўлган акциядорнинг (акциядорларнинг) навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирuvi ҳақидаги талабни тақдим этишидан бошлаб 10 кун ичида жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилиши еки уни чақирилишини рад этиш ҳақида қарор қабул қилиниши керак.

52. Жамиятнинг тафтиш комиссияси еки овоз берувчи акцияларнинг 5% дан кам бўлмаган акцияларига эга бўлган акциядорнинг (акциядорларнинг) жамиятнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирuvi ҳақидаги талабни рад этиш бўйича қарор қабул қилиниши мумкин, агар:

жамиятнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилган акциядор (акциядорлар) ушбу банднинг биринчи қисмида курсатилган жамиятнинг овоз берувчи акциялар сонига эга бўлмаса;

кун тартибига киритиш учун таклиф қилинган масалаларнинг биронтаси ҳам акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатларига кирмаса;

кун тартибига киритиш учун таклиф қилинган масала қонунчилик талабларига мос бўлмаса.

53. Жамият кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақирuvi еки уни чақирилишини асосли равишда рад этиш борасидаги қарори қабул қилинганидан сўнг уч ишчи кундан кечиктирмасдан умумий йиғилиш чақирилишини талаб қилган шахсларга жунатилади.

54. Жамият кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақирuvi еки уни чақирилишини рад этиш борасидаги қарори устидан судга шикоят келтириш мумкин.

55. Агар ушбу низомнинг 52 бандида курсатилган муддатларда жамият кузатув кенгаши томонидан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақирuvi еки уни чақирилишини рад этиш борасида қарор қабул қилинмаган бўлса, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни чақирилишини талаб қилган шахслар томонидан чақирилиши мумкин.

Бу ҳолатда акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказишга тайергарлик учун кетган харажатлар акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан жамият ҳисобидан қопланishi мумкин.

56. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига тайергарликни кузатув кенгаши еки қонунчиликда курсатилган ҳолатларда алоҳида шахс ушбу низомда белгиланган тартибда амалга оширади.

VI. АКЦИЯДОРЛАР УМУМЙ ЙИГИЛИШНИНГ ҚВОРУМИ

57. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш учун қайддан ўтиш тугаши ҳолатига жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг эллик фоиздан ортиқ акцияларига биргаликда эга булган акциядорлар (уларнинг вакиллари) қайддан ўтган булсалар, акциядорларнинг умумий йиғилиши қонуний ҳуқуққа (қворумга) эга булади.

58. Агар имтиезли акциялар қун тартибининг фақат битта еки бир неча масаласи буйича овоз беришда қатнашса, йиғилиш қворуми гақдим этилган оддия акциялар сонига қараб белгиланади, курсатилган масалалар буйича овозларни санаб чиқиш эса, овоз берувчи оддии ва имтиезли акцияларнинг умумий сонидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

59. Агар йиғилиш бошлаши этиб белгиланган вақтдан сунг 120 дақика давомида қворум йиғилмаган булса, акциядорларнинг тақрорий умумий йиғилиши санаси белгиланади. Акциядорларни тақрорий умумий йиғилишининг қун тартиби узғаришига йул қўйилмайди.

60. Агар ўтказилмаган йиғилишнинг урнига ўтказилаётган акциядорларнинг тақрорий умумий йиғилишига қатнашиш учун қайддан ўтиш тугаши ҳолатига жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг қирқ фоиздан ортиқ акцияларига биргаликда эга булган акциядорлар (уларнинг вакиллари) қайддан ўтган булсалар, акциядорларнинг умумий йиғилиши қонуний ҳуқуққа эга булади.

Акциядорларнинг тақрорий умумий йиғилишини ўтказиш ҳақидаги хабар ушбу низомда белгиланган тартиб асосида тарқатилади.

61. Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш санаси қворум йуқлиги туфайли 20 кундан кам муддат давомида қучирилса, умумий йиғилишда қатнашувчи акциядорлар булиб ўтмаган умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар рунхатига мос шаклда аниқланади.

VII. УМУМЙ ЙИГИЛИШНИНГ ИШЧИ ОРГАНЛАРИ

62. Умумий йиғилишнинг ишчи органларига қуйидагилар қиради: президиум, санок комиссияси, қотиб (қотибият).

63. Акциядорлар умумий йиғилишининг президиуми ва раиси акциядорларнинг умумий йиғилишида сайланади. Акциядорлар умумий йиғилишини жамият кузатув кенгашининг раиси, узрди сабаблар билан у ҳозир булмаганда - жамият кузатув кенгаши аъзоларидан бири олиб боради.

64. Акциядорлар умумий йиғилишининг раиси йиғилиш президиумига раислик қилади, йиғилиш жарасини таъминланди ва бу борада уз мажбуриятлари бажариш учун барча вақолатларга эга.

65. Акциядорлар умумий йиғилишининг раиси йиғилишнинг аудио ва видеога сзиб олиш ва уни интернет тармоғига узатилишига рухсат беришга ҳақли.

66. Умумий йиғилишнинг раиси йиғилиш жарасини бошқаради, умумий йиғилишнинг ишчи органлари амалларни мувофиқлаштиради, масалаларни муҳоқама қилиш тартибини белгилайди, йиғилиш ва овоз бериш жарасинида тушунтиришлар беради, маърузачиларнинг чиқиш вақтларини теклаб, залда тартиб сақланиши устидан назорат қилади. Умумий йиғилишнинг раиси умумий йиғилиш баенномасини ямзолайди.

67. Акциядорлар овозларини санаш, уларни акциядорлар умумий йиғилишда қатнашчиси сифатида қайддан ўтказиш, шунингдек овоз бериш мақсадида бюллетенларни тарқатиш учун жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси шакллантирилади, бу комиссиянинг миқдорий ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқланади.

68. Санок комиссияси функцияларини бажариш учун мустақил экспертлар тақлиф қилинган ҳолатида санок комиссияси ишини улар бажарадилар.

69. Санок комиссиясининг таркиби уч нафардан кам булмаслиги керак. Санок комиссияси таркибига жамиятнинг кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзолари, жамият бошқаруви раиси, шунингдек ушбу лавозимларга сайламаётган шахслар қириши мумкин эмас.

70. Акциядорлар умумий йиғилишида овоз бериш "битта овоз берувчи акция - битта овоз" қондаси асосида амалга оширилади, жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоларининг тулланш асосида (қумуляция) овоз бериш билан сайлов ўтказилиши бундан мустасно.

71. Акциядорлар умумий йиғилишида қун тартиби масалаларни буйича овоз бериш бюллетенлар орқали амалга оширилади.

72. Овоз бериш жарасинида овоз берувчилар учун мумкин булган фақат битта овоз бериш варианты қолдирилган масалалар буйича овозлар саналади. Ушбу талабни бузган ҳолда тулдирилган овоз бериш бюллетенлари қонуний қучга эга булмаган деб топилади ва ушбу овозларга оид масалалар буйича ҳисобга олинмайди.

Агар овоз бериш бюллетенига овоз бериш учун бир неча масала қиритилган булса, ушбу банднинг биричи хат болишида курсатилган талабнинг бир еки бир неча масалага нисбатан рюя этилмаслиги ушбу бюллетени умуман қонуний қучга эга булмаганлиги ҳақида ҳулоса чиқаришга асос була олмайди.

73. Акциядорлар овозларини санаш, уларни акциядорлар умумий йиғилишда қатнашчиси сифатида қайддан ўтказиш, шунингдек овоз бериш мақсадида бюллетенларни тарқатиш учун жамиятнинг кузатув кенгаши

томонидан санок комиссияси шакллантирилади, бу комиссиянинг миқдорий ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқланади

74. Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишга галергарлик жараенида санок комиссияси қуйидаги функцияларни бажаради:

руҳхат асосида акциядорлар умумий йиғилишида қатнашувчи акциядорлар руҳхатини шакллантиради;

овоз бериш учун бюллетенлар ва умумий йиғилишнинг бошқа материалларини тарқатади, берилган бюллетенлар ҳисобини юритади;

умумий йиғилишида қатнашни учун акциядорларни (уларнинг вакилларини) қайддан ўтказиши;

ишончномалар ва улар билан берилган ҳуқуқлар ҳисобини юритади; овоз бериш учун бюллетенлар ва умумий йиғилишнинг бошқа ахборотларини (материалларини) тарқатади;

акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишдан олдин акциядорларга кун тартибига оид зарур маълумотларни беради;

акциядорлар умумий йиғилиши кворуми мавжудлигини аниқлайди;

акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан умумий йиғилишда уларнинг овоз бериш ҳуқуқидан фойдаланиш чоғида пайдо бўлган масалалар буйича тушунтиришлар беради;

овоз беришга қўйилган масалалар буйича овоз бериш тартибини тушунтиради;

овоз бериш тартиби ва акциядорларнинг овоз бериш жараенидаги ҳуқуқларини таъминлайди;

овозларни санайди ва овоз бериш натижаларини аниқлайди;

овоз бериш натижалари буйича баеннома тузади;

архивга овоз бериш бюллетенларини топширади.

VIII. АКЦИЯДОРЛАР УМУМЙ ЙИГИЛИШНИ ОЛИБ БОРИШ ТАРТИБИ

75. Акциядорлар умумий йиғилишини олиб бориш тартиби ушбу Низомга мос ҳолда акциядорларнинг ҳар бир умумий йиғилишида тасдиқланади.

76. Кузатув кенгаши раиси умумий йиғилишнинг президиуми ва котибини (котибиятини), шунингдек санок комиссияси таркибинин сайлаш буйича таклиф беради.

77. Умумий йиғилишни олиб бориш жараени уз ичига йиғилишнинг бошланиши ва тахминий тугаши вақти, маърузалар ва танаффуслар давомчилиги, кун тартибидagi масалаларнинг кетма кетлиги, кун тартиби масалалари буйича маърузачиларнинг фамилияси ва лаяқати, овоз бериш ва унинг натижаларини эълон қилиш тартибини қамраб олади.

78. Асосий қондага, яъни акциядорлар умумий йиғилишида муҳокама қилинаётган масала буйича берилган вақт доирасида ҳар бир акциядор сўзга

чиқа олиши мумкинлигига амал қилган ҳолда йиғилиш жараенида пайдо бўладиган жорий масалаларни раиснинг ўзи ҳал қилади

79. Акциядорлар умумий йиғилишида ижро органи, кузатув кенгаши ва бериладиган муқофотлар ва бадаллар ҳақидаги маълумотлар, шунингдек соф фойдани тақсимлавиши, таклиф қилинган дивидендлар ҳажмининг асоси, уларнинг жамият томонидан қабул қилинган дивиденд сиссатига мослиги баҳолавиши борасида батафсил эълон (маълум) қилинади (зарурат туғилганда соф фойданинг муайян қисмини жамият ривожланиши эҳтиёжларига йўналтирилишининг тушунтирилиши ва иқтисодий асослари).

80. Кун тартибидagi масалалар буйича музокараларда қатнашни истагини билдирганлар умумий йиғилиш котибига (котибиятига) муҳокама қилинадиган масалани курсатган ҳолда эзма талабнома берадилар.

81. Кун тартибидagi барча масалалар муҳокама қилиб бўлингандан сунг раис акциядорлар умумий йиғилишини елик деб эълон қилади.

82. Жамият акциядорлар умумий йиғилишида қатнашган шахсга уз ҳисобидан ўзи тулдирган бюллетендан нусха олишига имкон беради.

IX. АКЦИЯДОРЛАР УМУМЙ ЙИГИЛИШИ БАЕННОМАСИ

83. Умумий йиғилиш котибиятининг миқдорий ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқланади. Акциядорлар умумий йиғилишининг котиби сифатида жамиятнинг корпоратив маслаҳатчиси сайланиши (эъзо бўлмоғи) мумкин.

84. Умумий йиғилиш котибияти:

умумий йиғилиш жараенини баёнлаштиради;

эзма талабномалар асосида умумий йиғилиши кун тартибидagi масалалар муҳокамасида қатнашни истагини билдирганлар ҳисобини юритади;

Акциядорлар умумий йиғилиши ечилишидан сунг ун кундан кечиктирмай акциядорлар умумий йиғилиши баенномасини икки нусхада тузади.

Акциядорлар умумий йиғилишида қуйидагилар курсатилади:

акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш санаси, жони ва вақти;

акциядорлар – жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгаларининг сони;

йиғилишида қатнашаётган акциядорларнинг овозлари сони;

йиғилишнинг раиси (президиуми) ва котиби (котибияти), йиғилишнинг кун тартиби;

маърузаларнинг асосий мазмуни, овозга қўйилган масалалар, овоз бериш натижалари ва умумий йиғилишда қабул қилинган қарорлар;

агар акциядорлар умумий йиғилиш аудио – ва видеога сзлнб иштернет тармоғига узатилса, ушбу маълумот ҳам курсатиб ушланади.

85. Акциядорлар умумий йиғилиши баенномасининг ҳар икки нусхаси умумий йиғилишга раислик қилувчи ва акциядорлар умумий йиғилишининг котиби томонидан имзоланади.

86. Санок комиссияси баенномаларни умумий йиғилишнинг алоҳида қарорлари билан тасдиқланмайди, фақат ахборот учун қабул қилиниб, умумий йиғилиш баенномасига илова қилинади.

87. Акциядорлар умумий йиғилиши имзоланганидан сунг, санок комиссияси жамият архивига сақлаш учун йиғилиш ҳужжатларини, жумладан умумий йиғилишнинг қайддан утказиш руйхати, овоз бериш учун муҳрланган бюллетенлари, санок комиссияси аъзолари томонларидан имзоланган овоз бериш натижалари баенномаларни ва акциядорлар умумий йиғилиши баенномасини топширадилар.

« _____ » акциядорлик жамияти акциядорларининг 201 ____ йил « ____ »
 утказилган йилдаги (овоздан ташқари) умумий йиғилишининг
ҚАИД ҚИЛИШ РҲЙХАТИ

**X. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ ҚАРОРЛАРИНИ
 БАЖАРИШ**

88. Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш натижалари акциядорлар диққатига қуйидаги тарзда етказилади:

акциядорлар умумий йиғилиши тугаганидан сунг уларни эълон қилиш йули билан;

жиддий ҳолат юзага келганда икки иш куни давомида хабарда жиддий ҳолат ҳақида маълумот бериш.

89. Агар йиғилиш қарорида бошқаси белгиланиб, унинг баенномасида курсатилмаган бўлса, акциядорлар умумий йиғилиши қарорлари бажарилиши устидан назоратни жамиятнинг кузатув кенгаши амалга оширади.

90. Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорларнинг ижроси барча акциядорлар, жумладан йиғилишда қатнашмаган ва қатнашмаган (уларга тегишли қисмида) акциядорлар учун мажбурийдир.

№	Ф.И.Ш. (Акциядорнинг поълитини)	Овоз берувчи акциядор сони	Акциядор иниси	Вакит мавжуд бўлмаган ҳолатдаги қарорларнинг				
				Иштирокчи Ф.И.Ш.	Иштирокчи рақами	Натижа қилиш сони	Овоз берувчи акциядор сони	Вакит мав жуд бўлмаган
1	2	3	4	5	6	7	8	9

Акциядорлар умумий йиғилишнинг қайддан утган қатнашчилари сони жами
 нафар, шундан қанча овоз берувчи акциядорлар ва эълоқ қилувчилар

Кворум мавжудлиги (овоз берувчи акциядор сонига нисбатан фоиз ҳисобида) _____ %

Санок комиссияси аъзолари: _____ Ф.И.Ш.
 (имзо)
 _____ Ф.И.Ш.
 (имзо)
 _____ Ф.И.Ш.

(имзо)

№ _____ БЮЛЛЕТЕНИ*

« _____ » акциядорлик жамиятининг _____ манзили бунича « _____ »
20 ____ йил соат _____ да утказиладиган умумий йиллик (навбатдан ташқари) йиғилишида овоз
бериш учун _____ донга акциядорлик ағалик килувчи юрналик шахс акциядорнинг тулик
номламини
(жисмоний шахс акциядорнинг Ф.И.Ш.) _____

Қуй тартиб масалалари бунича овоз бериш учун овозлар сони - _____

Қуй тартиби масалалари буйича овоз беришда "тарafdор", "қарши" ёки "бетараф" вариантларини
таълиф зарур (вариантнинг таълиф турлари: Х, Ҷ сўки муайян ячсйқага овозлар сони сзкш). Қузатув
кенгаши аъзолари сайлов масаласи буйича овоз бериш бундан мустасно.

№	Овоз беришга таърифланиши	қўйилган масаланинг	Тарafdор	Қарши	Бетараф

Қузатув кенгаши аъзолари сайлов масаласи бунича овоз бериш учун овозлар сони (Сизга
тегинли овозлар сони жамият қузатув кенгаши аъзолигига сайланиши зарур бўлган одамлар
сонига қулаштириш зарур) - _____

Бу ерда Сиз шу тарзда тушлган овозларнинг тулик битта номюда беришини ёки бу
озозларни иккита ва уздан ортик номюдаларга булқошини мумкин

№	Овоз беришга қўйилган масаланинг таърифланиши		Тарafdор (Қузатув кенгаши аъзолигига номюдага бериладган овозлар сони)
	Қузатув кенгаши аъзолигига номюдаинг Ф.И.Ш.	Қузатув кенгаши аъзолигига номюдалар маълумотлар	

Фамилияси, исми, тарифи _____
(имзо)

Овоз бериш бюллетени акциядор (унини вақилла) томонидан имзо қўйилган бўлиши керак

* Қайддан утиси руйхати буйича акциядорнинг рақили курсатилади.

« _____ » акциядорлик жамиятининг йиллик (навбатдан ташқари) умумий
йиғилишини утказиши ҳақидаги

ХАБАРНОМА

Хурмалик _____ маонилида жойлашган
« _____ » акциядорлик жамияти, алоқа учун телефон: _____ Сизга шуни
маълум қиладикки 20 ____ йил « _____ » соат _____ дақ
бунича бизнинг акциядорлик жамиятининг акциядорлик жамияти йиллик (навбатдан ташқари)
умумий йиғилиши булиб утади.

Жамиятнинг акциядорлик жамияти йиллик (навбатдан ташқари) умумий йиғилишида
қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар руйхати 20 ____ й. « _____ » _____ ҳолатига тузилган
акциядорлар руйхатига асосан тузилди.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашувчи акциядорларнинг қайддан утказиши
соат _____ дақиқада билилиб, соат _____ дақиқага ача давом утади.

Сизнинг ахборотингизга акциядорлик жамияти йиллик (навбатдан ташқари) умумий
йиғилишининг қуйидаги қуй тартибини сгказамиз:

- 1.
- 2.
- 3.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини угиши жарасида Сиз умумий йиғилишини
қуйидаги материаллари билан танишини мумкин:

- 1.
- 2.
- 3.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш учун акциядорлар паспортини,
акциядорларнинг вақиллари – УзР ҳоқуқчилиги талабларига мос шаклда расмилаштирилган
илонномаи (жисмоний шахслар учун – нотариус томонидан тасдиқланган, юридик шахслар
учун – ушбу юридик шахс томонидан берилган) тақдим этишлари зарур.

АЖ « _____ »
Қузатув кенгаши

« _____ » АЖ

Акционерлар умумий ингилиши кун тартибига киритилиш учун акциядорнинг
ТАКЛИФИ

Акционерга тегишли андиялар сони:
_____ дونا оддий
_____ дона имтиёзли.

Акционерлар ингилиши кун тартибига киритилиши керак булган масаланинг
гаърифланиши (уни кўритиш учун сабаблар кўрсатилган ҳолда):

Кузатув кенгаши аъзолигига таклиф қилинган номзодлар (Ф.И.Ш., иш жойи, лавозими,
номзодга тегиши булган андиялар сони, андияларнинг турлари):

Тафтиш комиссияси аъзолигига таклиф қилинган номзодлар (Ф.И.Ш., иш жойи, лавозими,
номзодга тегиши булган андиялар сони, андияларнинг турлари):

Ижро органига таклиф қилинган номзодлар (Ф.И.Ш., иш жойи, лавозими, номзодга
тегиши булган андиялар сони, андияларнинг турлари):

Ф.И.Ш. _____
(имзо, сана)

« _____ » АЖ

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий ингилиши шаклини ҳақидаги
ТАЛАЪНОМА

Ингилиши чакррилишини талаб қилган шахснинг Ф.И.Ш (номданishi):
_____ (агар талаб тафтиш комиссияси аъзоси томонидан
гушган булса, ушбу графада буни ҳам ақс эгиш зарур)

Акционерга тегишли андиялар сони (талаб акционер томонидан қуйилган ҳолатда
тулдирилади):
_____ дона оддий
_____ дона имтиёзли.

Талаб мазмуни (акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий ингилиши чакррилишини
сабаби кўрсатилади):

Акционерлар ингилиши кун тартибига киритилиши керак булган масаланинг
гаърифланиши (уни кўритиш учун сабаблар кўрсатилган ҳолда):

Кузатув кенгаши аъзолигига таклиф қилинган номзодлар (Ф.И.Ш., иш жойи, лавозими,
номзодга тегиши булган андиялар сони, андияларнинг турлари):

Ф.И.Ш. _____
(имзо, сана)